

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ وَإِلَٰهِي  
إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَقُولُوا لِلنَّاسِ  
حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ ثُمَّ تَوَلَّيْتُمْ إِلَّا  
قَلِيلًا مِّنْكُمْ وَأَنْتُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٨٣﴾

Аллох таоло яхудийлардан олган мийсокини эслатиб, Бакара сурасининг 83 оятида: «**Бани Исроилдан Аллохдан бошкага ибодат этмайсиз, ота-онага, кариндошларга, етимларга, мискинларга яхшилик киласиз, одамларга яхши гаплар айтинг, намозни коим килинг, закот беринг, деб ахду паймон олганимизни эсланг. Сўнгра** □ **озгинангиздан бошкангиз юз ўгириб, ортга караб кетдингиз**», дейди.

Мулохаза килинса, Аллох таоло Бани Исроилдан ахду паймон олган ишлар Ислом дини хам буюрган ишлардир. Шундан хамма самовий динларнинг бирлиги келиб чикади. Тавхид акийдасининг асоси – Аллохдан бошкага ибодат килмаслик – ахду паймон олинган ишларнинг бошида саналаяпти. Ота-онага яхшилик килиш хар бир фарзанднинг мукаддас бурчи хисобланади. Тавротда ота-онасини сўккан киши ўлдирилиши керак эканлиги келган. Ота-онага яхшилик килиш, бу Аллохнинг хаккидан кейин келади. Халоикнинг хукукларидан энг таъкидлиги, энг авлоси ота-онанинг хаккидир. Шунинг учун табарока ва таоло ўзига бўлган тавхиддан кейин уни зикр килган. Ота-онага яхшилик килиш улар билан яхши яшаш, иккисига мутавозеъ бўлиш, амрларига бўйсиниш, ўтиб кетганларидан кейин уларга магфират сўраб дуо килиш, ахллари билан алоқада бўлиб туришдир.

Кариндошларнинг кариндошлик хакки бор, уларга хам яхшилик килиш лозим. Аллох таоло силаи раҳм килиш ила кариндошларга яхшилик килишни амр килади. Чунки уларга яхшилик килиш алокаларни коим бўлишига олиб келади. Умнат бир неча оилаларни тўплами, холос. У яхши бўлса, яхши бўлади, бузилса, бузилади.

Етимлар бокувчисиз колган ёш болалардир. Жамиятда уларнинг хам хакки бор. Шунингдек, мискинлар хам турли сабабларга кўра, хаёти нокулай холларга тушиб колган шахслардир, уларга хам яхшилик кўрсатиш инсоннинг инсонийлик бурчи хисобланади. Оятдаги «Одамларга яхши гаплар айтинг» жумласини тафсир килиб, Имом Хасан Басрий: «Яхши гап – амри маъруф, наҳйи мункар, хилму афв, кечирим ва ширин сўзлардан иборатдир», деганлар.

Намозни коим килиш, яъни хамма амалларини жой-жойига кўйиб адо этиш хамма самовий динларда хам асосий ибодатлардан хисобланади.

Имом Бухорий ва имом Муслим хазрати Абдуллох ибн Масъуддан ривоят килган хадисда у киши Пайгамбар (алайхиссалом)дан:

«Эй, Аллохнинг Расули, кайси амал энг афзалдир?» деб сўраганларида, у Зоти

бобаракот:

«Ўз вақтида ўқилган намоз», деб жавоб берган эканлар. Шунингдек, закот ҳам улуг молиявий ибодатлардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло мазкур амалларни бажаришга Бани Исроилдан аҳду паймон (таъкидланган ваъда) олган бўлишига карамай, улар ўз одатлари бўйича, бу аҳд-паймондан юз ўгирдилар ва қасддан ортга қараб кетдилар.

Одинахон Муҳаммад Юсуф